




BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

7/2023



7/2023

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI
SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Ilmiy-nazariy jurnal
2023, № 7, avgust

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruruy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.
Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.
Elektron manzil: nashriyot_buxdu@buxdu.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Rasulov To'liq Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

Mas'ul kotib: Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

Danova M., filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

Margianti S.E., iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

Minin V.V., kimyo fanlari doktori (Rossiya)

Tashqarayev R.A., texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

Mo'minov M.E., fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

Mengliyev Baxtiyor Rajabovich, filologiya fanlari doktori, professor

Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Abuzalova Mexriniso Kadirovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Baqoyeva Muhabbat Qayumovna, filologiya fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Jumayev Rustam G'aniyevich, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor

Murodov G'ayrat Nekovich, filologiya fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Ahmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Rasulov Baxtiyor Mamajonovich, tarix fanlari doktori, professor

Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Quvvatova Dilrabo Habibovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoira Nematovna, filologiya fanlari doktori, professor

Amonova Zilola Qodirovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Hamroyeva Shahlo Mirjonovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Nigmatova Lola Xamidovna, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Boboyev Feruz Sayfullayevich, tarix fanlari doktori
Jo'rayev Narzulla Qosimovich, siyosiy fanlar doktori, professor

Rasulov Zubaydullo Izomovich, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

Qurbonova Gulnoz Negmatovna, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

Zaripov Gulmurot Toxirovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent

MUNDARIJA * СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS****ANIQ VA TABIIY FANLAR *** EXACT AND NATURAL SCIENCES ***
ТОЧНЫЕ И ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ**

Мадалиев М.Э., Наврузов Д.П., Жумаев Ж., Нуруллаев Ҳ.И.	Математическая модель извлечения мелких пылевых загрязнений из хлопка	4
Нормуродов Б.Р., Шамсиева М.Б.	Пилла ғумбагидан ёғловчи модда ажратиб олиш ва маҳсулот унумига таъсир этувчи омиллар тадқиқи	11
Mamatov T.Y.	Aralash uzluksizlik moduli bilan aniqlangan umumlashgan Hölder fazosida Volter o'ramasi ma'nosidagi operatorlar	17
Расулов В.Р., Кодиров Н.У., Исомадинова У.М., Уринова К.К.	К теории трёхквантового поглощения поляризованного света на межзонных переходах в кристаллах	24
Kuchqarov B.X., Вахромов В.М., Холмирзайев А.А.	Shishasimon yarimo'tkazgichlar va ular asosida plyonkalarining tuzilishi, xususiyatlari va olish usullari	30
Kuchqarov B.X., Ergashev M.A., Холмирзайев А.А.	Kremniydagi dislokatsiya tarmoqlarini elektr va optik xususiyatlarni tekshirish usullari	42
Давлятова М. Б., Жамолитдинова Ю.Ш.	Мева-сабзавотларни қадоклашда замонавий технологиялар	49
TILSHUNOSLIK *** LINGUISTICS *** ЯЗЫКОЗНАНИЕ		
Avezova N.S.	O'zbek tilida inson a'zolari harakatini ifodalovchi leksemalarning o'rganilishi	54
Ergashova R.T.	Linguaculturological features of military aviation terminology	58
Shayzakov G.M.	Study of tense category in different systemic languages	64
Sharipova G.B.	Til, madaniyat va folklorning o'zaro munosabati	70
Xamdamova G.X.	Maqollar tarjimasida milliy koloritni saqlash	79
Nuriddinova Sh.K.	Shaxs nomi bilan bog'liq tibbiy eponimlar	82
Safarov F.S.	O'zbek adabiy tilida I shaxs ma'nosini bildiruvchi vositalar ma'nodoshligi	88
Kholmakhmadova N.Kh.	Semantic peculiarities of homonymy and polysemy in the Uzbek and English languages	94

Алиева Н.Х.	Семантические особенности компьютерных фразеологических единиц и их классификация в разносистемных языках	98
Axmedova M.B.	Ingliz tilida “Spirituality” semantik maydoni: sotsial va lingvistik tahlil	106
Панжиев Н.П.	Сравнительный анализ согласных систем русского и узбекского языков с учётом влияния родного языка	111
Sobirova Z.R.	Mutual translation and its problems of touristic terms in English and Uzbek languages	118
Achilova R.A.	Allusive comparison	123
Yusupova D.Y., Furqatova M.	Ҳалима Худойбердиеванинг лексик-поэтик бирликлардан фойдаланиш маҳорати	126
ADABIYOTSHUNOSLIK *** LITERARY CRITICISM *** ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ		
Seytnazarova I.E.	Шеърятда бадий такроп ва унинг турлари	132
Murodova G.A.	Махтумқули ижодда Ahmad Yassaviy g‘oyalarining badiiy in‘ikosi	138
Boltayeva G.Sh.	Muxammas janrining nazariy asoslari	144
Bozorova V.M., Maqsudova M.U.	The term “American culture” in the literary works of world writers	147
Elmanova M.T.	Family dissonances in Joyce Carol Oates’ novel «Night. Dream. Death. Stars»	153
Davletova Sh.B.	The symbol of women in Muhammad Yusuf’s poetry	157
Qayumova N.M.	Dunyo sonetchiligiga nazar	163
Shomurodova S.G‘.	Aza marosimi qo‘shiqdarida motam kiyimlarining tasviri	168
Sharipov M.M.	O‘zbek jamiyatida xizmatkor obrazi rivoji va adabiyotda “uchinchi odam” tushunchasi	173
Пардаева Д.Р.	Амир Тимур в русскоязычной литературе: комплексный анализ образа и его исторического контекста	177
Ўроқова Н.Ё.	Замонавий шеърятда от образи талқини	181
Tashova D.S.	Individual badiiy shakllarga xos xususiyatlar	185
Safarova Z.T.	Tarbiya romanlarining badiiy adabiyotdagi genezisi va o‘rni	192
Shermamatova Sh.B.	Avaz O‘tarning “Yo‘q bo‘ling...” nomli g‘azalining talqinlari tahlili	197
Бабаев О.А.	Немисзабон мамлакатларда форс адабиёти	202
Yo‘ldosheva M.B.	Badiiy tarjimada portret tasvirining milliy-madaniy ta‘sirini ifodalanishi	207

ЗАМОНАВИЙ ШЕЪРИЯТДА ОТ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Ўроқова Нафосат Ёриевна,
Бухоро давлат университети
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), Ўзбекистон
п.у.uroqova@bukdu.uz

Аннотация. Мақолада ўзбек адабиётишунослигида от образи, унинг генезиси хусусида фикр юритилган. Бу образ генезиси, аввало, халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалиши, бундан ташқари, қадимги мифологик қарашлар тизимида отга тотем сифатида ёндашилгани маълум. Ишда бу жонзотнинг фольклорда шаклланиш асослари текширилганлигига эътибор қаратилган. Шу билан биргаликда, анималистика йўналишидаги ишлар ҳам қисман ёритилган. Фольклор ва мумтоз адабиёт намуналарида отлар романтик тасвир услубига, замонавий адабиётда эса реалистик методга таяниб таърифланганлиги мисоллар орқали очиб берилган.

Шеърятда бошқа ҳайвон тасвирлари қаторида от образи энг фаол қўлланган тимсоллардан эканлиги илмий асосланган. Янги ўзбек адабиёти таркибига мансуб айрим шеърларнинг таҳлили орқали от тимсолининг алоҳида хусусиятлари ёритилган. Замонавий шеърятда яратилган от образига оид ўзига хосликларга умумий тўхталинган.

Калит сўзлар: адабиёт, санъат, образ, замонавий шеърят, от образи, “Кунтуғмиш”, “Алтомиш”, Мухаммад Юсуф, “Зебижон”, Усмон Азим, чавандоз.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА ЛОШАДИ В СОВРЕМЕННОЙ ПОЭЗИИ

Аннотация. В статье рассматривается образ лошади в узбекской литературе и его генезис. Известно, что генезис этого образа, прежде всего, восходит к образцам фольклора, кроме того, лошадь трактовалась как тотем в системе античных мифологических воззрений. Работа посвящена исследованию основ формирования этого существа в фольклоре. Наряду с этим частично освещаются и работы в области зоотехники. На примерах выявлено, что в фольклоре и классической литературе лошади описываются на основе романтического стиля изображения, а в современной литературе - на основе реалистического метода.

Научно доказано, что среди других образов животных образ лошади является одним из наиболее активно используемых символов в поэзии. Путем анализа некоторых стихотворений, входящих в состав новоузбекской литературы, выделяются особенности образа коня. Обсуждается специфика образа лошади, созданного в современной поэзии.

Ключевые слова: литература, искусство, образ, современная поэзия, образ лошади, «Кунтуғмиш», «Алтомиш», Мухаммад Юсуф, «Зебиджан», Усман Азим, всадник.

INTERPRETATION OF THE IMAGE OF THE HORSE IN MODERN POETRY

Abstract. The article deals with the image of a horse in Uzbek literature and its genesis. It is known that the genesis of this image, first of all, goes back to folklore samples, in addition, the horse was interpreted as a totem in the system of ancient mythological views. The work is devoted to the study of the foundations of the formation of this creature in folklore. Along with this, work in the field of zootechnics is also partially covered. The examples revealed that in folklore and classical literature, horses are described on the basis of the romantic style of depiction, and in modern literature - on the basis of a realistic method.

It has been scientifically proven that, among other animal images, the image of a horse is one of the most actively used symbols in poetry. By analyzing some of the poems that are part of the New Uzbek literature, the features of the image of a horse are highlighted. The specificity of the image of a horse created in modern poetry is discussed.

Key words: literature, art, image, modern poetry, equestrian image, "Kuntugmish", "Alpomysh", Muhammad Yusuf, "Zebidzhan", Usman Azim, rider.

Кириш. Адабиёт – санъатнинг ўзига хос бир тури. Уни бошқа санъатлардан ажратиб турувчи асосий хусусияти – образлилик. Китобхонни сўз жозибаси билан мафтун қилиб, унга маънавий озуқа бериш – бадиий адабиётнинг вазифаси. Ижодкорнинг мақсади эса ҳаётнинг гўзаллиги, яшашнинг улуғворлигини ҳис қилдириш, қалбда меҳр-муҳаббат куртакларини уйғотишдир. Демак, бадиий сўз воситасида бадиий асарнинг ўқ илдизи ҳисобланмиш образ ва образлилик юзага чиқади. Яъни ижодкор ҳаётни кузатади. Кўрган-кечирганларини тафаккур қилади. Уларни қайта ишлаб, яна жонли ҳаёт шаклида яратади. Ҳаёт воқеа-ҳодисаларини қайта яратишда баъзан инсон образи билан ёнма-ён ҳайвон образлари ҳам иштирок этади. Уларнинг айрим ўринлардаги иштироки асарни янада жонли бир бичимда бўлишини таъминлайди.

Тадқиқот объекти. Мазкур тадқиқот учун асосий объект от образи мавжуд бўлган айрим замонавий шеърят намуналаридир.

Қўлланилган методлар. Ушбу мақолада таҳлиллар қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, герменевтик методлар асосида амалга оширилган.

Асосий қисм. Адабиётшуносликда шеър назарияси, лирикада рамз ва унинг кўринишлари, ҳайвонот ва наботот оламининг рамзлаштирилиши, унинг келиб чиқиш асослари, шу мавзудаги шеърлар поэтикасига хос жиҳатларни очиб бериш доимий эътиборни тортиб келмоқда. Жумладан, рамзнинг кўринишлари, шеърятда рамзлаштириш етакчилик қилиши, ҳайвон образларининг тимсоллаштирилиши, анималистиканинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Реалистик ва рамзий моҳият ташувчи от образи жаҳон адабиётида ҳам муҳим ўринга эга.

Ўзбек адабиётшунослигида от образи, унинг фольклорда шаклланиш асослари текширилган, шу билан биргаликда, анималистика йўналишидаги ишларда ҳам тадқиқ қилинган. Булар қаторида фольклордаги от образи генезиси А.Мусакулов [1], М.Жўраев [2], Т.Ҳайдаров [3] ишларида ўз аксини топган. Ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигида бу мавзу билан боғлиқ Ш.Ашурова [4], А.Тилавов [5], С.Жумаева [6] ларнинг тадқиқотлари юксак эътиборга молик.

Шеърятда бошқа ҳайвон тасвирлари қаторида от образи энг фаол қўлланган тимсоллардандир. Тадқиқотлардан кўринадики, бу образ генезиси, аввало, халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Бундан ташқари, қадимги мифологик қарашлар тизимида отга тотем сифатида ёндашилгани маълум. Зеро, ота-боболаримизнинг от, ит, хўкиз, бўри, илон каби ҳайвонларга топингани сир эмас. Шу билан бирга, бу эътиқодий қарашлар барча турдаги жанрларга ҳам таъсир ўтказган ва от бу каби асарларда инсоннинг энг яқин дўсти, ҳам ташқи, ҳам ички гўзалликка эга образ, эрк ва куч-қудрат рамзи сифатида қарала бошланган.

От образи инсоният ҳаётининг узоқ тарихи билан боғлиқ ҳолда юзага келган бўлиб, фольклор ва ёзма адабиётда ўзига хос тадрижий йўлни босиб ўтди. Халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётда от қатор мўъжизавий хусусиятлари билан ажралиб туради. Бунга бир қанча халқ дostonларини ўрнатган сифатида келтиришимиз мумкин:

Фалакнинг дастидан келдим омон-а,

Дунёда тирик айрилган ёмона,

От ҳоритиб узоқ йўлдан келаман,

Оч дарвозангни, дарвозабон-а ... [7, 12]

Ушбу шеърининг парча бахши Эргаш Жуманбулбул ўғли тарафидан қуйланган “Кунтуғмиш” дostonидан олинган. Унга кўра, Нўғай подшоси Авлиёйи Қорахоннинг ўғли Кунтуғмиш тўра шаҳри Заргардаки Шоир вазирнинг кизи Холбекани тушида кўриб ошиқ бўлади. Уларни тушда бирлаштириб кўриштирган чилтонлар эди. Уйғонгач, Кунтуғмиш кўрсаки, Холбека ёнида йўқ, ҳаммаси уйкусида содир бўлган. Шундан сўнг, тўра қизни қўмсаб, ишқ туфайли касал бўлиб қолади. Отасининг руҳсати билан қаллиғи Холбекани излаб йўлга тушади. Табиийки, бундай пайтда, энг тезчопар ва ишончли улов – от унга ҳамроҳлик қилади.

Йилқичинда ўзи келган синлидир,

Тўбишқон туёқли, марол беллидир,

Аросат кунинда ажаб ҳоллидир,

Қиммат баҳо экан ўзбакнинг оти.

Минганларнинг ҳақдин етар мақсади,

Кўлтигида тўрт ярим газ қаноти,
Асл тулпор экан ўзбакнинг оти [8, 118].

“Алпомиш” достонидан келтирилган юқоридаги сатрларда отнинг мўъжизавий хусусиятларга эгалиги кўрсатилган. Бахши бундай натижага от тасвирини бўрттириш орқали эришган. Достонда отни таърифлаган Кўса синчи нафақат отнинг ташқи кўриниши, балки ички афзалликларига ҳам урғу беради. “Ўзбакнинг оти қандай экан”, саволига: “Ўзбакнинг оти андай экан, ўзбакнинг қизига бурилмай қўякол” [8, 117], – дея жавоб беради. Бундан кўринадики, ҳақиқатдан ҳам фольклор ва мумтоз адабиёт намуналарида отлар романтик тасвир услубига таяниб таърифланган.

XX аср ўзбек адабиётида эса бундай тасвирлар реал ҳаётга боғлиқ бир шаклда ўрин алмашди, яъни ҳақиқат билан юзлашди. Қолаверса, бу образ тасвирида ижодий метод нуктаи назаридан ҳам тафовутни кузатдик. Чунки фольклор ва мумтоз адабиётда романтик услуб етакчилик қилиши шу мавзуга оид турли тадқиқотлар орқали ҳам исботланган. XX аср адабиётида реалистик метод марказга чиқди. Шу жиҳатдан бу образнинг анъанавийлиги, унинг қадимдан куч-қудрат, фаросат, ақл тимсоли бўлиб келганлиги ва шу каби қатор жиҳатлар янги шеърятда ҳам ўз ифодасини топаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Замонавий ўзбек шеърятинида отга бағишланган асарлар ўзига хос бадиий тизимни ташкил этади ва улар ранг-баранглиги билан ҳам ажралиб туради. Айниқса, бу асарлар миллий руҳда яратилганлиги билан эътиборни тортади.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб соф миллий руҳда битилган “Зебижон” шеъри алоҳида диққатга молик:

Суйганимни бир бойвачча тортиб олди,
Тилло берди, тиллога от сотиб олдим.
Тулпоримнинг туёғига ётиб олдим,
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни... [9, 79]

Халқона услуб нафаси уфуриб турган мисралар беихтиёр халқ кўшиқларини ёдга солади. Зотан, бунга яқин маънодаги кўшиқларни қаердадир ўқиганмиз ёки тинглаганмиз. Лирик қахрамон моддий жиҳатдан қийналганлиги боис, ёқтирган қизини бир бой боласи томонидан тортиб олинишига қаршилиқ қилолмайди. Аламидан қизнинг эвазига берилган тиллога от сотиб олиб, тулпорининг туёғига ётиб олади. Хўш, нега, деган савол туғилади. Нега, айнан, от сотиб олди? Йўқсиллигини камайтирадиган, маълум бир фойда кўрадиган бошқа уй хайвонларини сотиб олиб, вазиятдан фойдаланса бўларди-ку!? Нега, айнан, тулпорининг туёғига ётиб олди? Кейинги мисралардан ушбу саволга зукколик ортидан жавобни топиш мумкин:

Отим билан гаплашардим одамдайин,
Мен бир қашшоқ ўғилман, у – отамдайин,
Йиғлар эдим ёлларини силаб майин,
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни... [9, 79-80]

Кунлик эҳтиёжларини ҳам қоплаёлмасдан чорасизлик тузоғига илинган лирик қахрамонни бу вазиятда айблаб бўлмайди. Яққол кўринадики, бу ерда яна бир жонли хилқат бор. Мисраларда унинг иссиқ нафасини туйиш мумкин. Бу – от. Ушбу тимсолнинг инсонлаштирилиши, яъни уларнинг одамлар каби яхши ва ёмон кунларни фарқлай олиши, эгасининг бошига оғир бир иш тушганини ҳис қила олиши каби хислатларнинг унга бириктирилиши образга юкланган юкнинг миқдори нақадар салмоқли эканини белгилайди. Бу образ елкасидаги қувват туфайли инсонлардек гапира олади, ҳолат ва турли вазиятларни олдиндан ҳис қила олади, эгасининг энг яқин дўсти, дардкаши бўла олади. Керак пайтларда, унга беминнат ёрдам бериб, эшлик эта олади. Шеърдаги йигитнинг тулпори шундай улуғвор хусусиятларга эга. Боқувчисининг қашшоқлиги ва ёлғизлиги ортидан келган азоб ва аламга шериклик қила олган. Бу ўринда шоир отни лирик қахрамонининг дардини бироз бўлса-да енгиллаштирувчи, уни ҳаётга янгидан қарашга ундовчи образ сифатида кўра олган. Камбағал йигитнинг ўз севганига қўли калталиги сабабли етишолмаслиги ва унинг дардли вазиятлари куйланган лирик кўшиқлар ўзбек адабиётини ҳаммиша бойитиб келган.

Юртимизда кўп асрлик урф-одат ва анъаналарга асосланган кўпкари – от чоптириш мусобақаси қадимдан ўтказиб келинади. Отамерос бу тадбирда фақатгина эркаклар қатнашиш ҳуқуқига эга. Аёллар эса уларни қўллаб-қувватлаш вазифасини бажарадилар. Кўпкарида йигитларнинг ғолиб бўлишида восита бўлиб хизмат қила олувчи ёлғизгина жонзот бу – от. Маълумки, от бошқа хайвонлар орасида ташқи гўзаллиги, ўқтамлиги, зийраклиги, хушёрлиги ва жозибадорлиги билан

алоҳида ажралиб туради. Мусобақада муваффақият қозониш кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Чунки улоқчининг устуворлигини бақувват ва хушёр от таъминлайди.

Чавандоз улоқдан қайтди пиёда,

– Рангларингиз бир ол, айтинг, не бўлди?

– Онаси, дардимни қилма зиёда,

Онаси, отгинам... отгинам ўлди [10, 21].

Шоир Усмон Азимнинг “Чавандоз улоқдан қайтди пиёда...” деб бошланувчи шеъри чавандоз ва унинг оти ҳақида ҳикоя қилади. Кўпқари маҳали тўсатдан қоқилиб кетган от вафот этади. Бундан чуқур қайғуга тушган йигит уйга қайтади ва уни бу каби тушқун бир ҳолатда кутиб олган хотининига отининг ноҳос ўлиб қолганини сўзлайди.

Бу ўринда от образи ёрдамида лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари отининг ўлгандан кейинги руҳий манзаралар орқали реалистик услубда очиб берилган. От ҳамиша инсон билан ёнма-ён юрадиган, унинг яхши ва ёмон кунларидаги содиқ ҳамроҳига айланган жонзотдир. Шеърда туркий халқларга хос бўлган хусусият, яъни йигитларнинг доимий йўлдоши, ҳамроҳи от эканлигига урғу берилган. Миллатнинг мардлари отсиз юрмаган, усиз ҳаётини тасаввур этолмаган. Бу ҳолат авлоддан авлодга ўтгани сайин табиий бир жараён тусини олган.

Чавандоз хўрсинар... тонг отар эди,

Энг сўнги юлдузлар борарди ботиб,

Хотини шивирлар: “Ҳеч хафа бўлманг,

Сизга от оламиз уй-жойни сотиб...” [10, 21].

Дарҳақиқат, шеърнинг бу каби таъсирли сатрлар билан тугаши китобхонни беихтиёр тўлқинлантириб юборади. Шарқ аёлларига хос донолик билан чиқарилган ҳукм шуни кўрсатадики, демак, қадимдан эркакларнинг жон ҳамроҳи отлар бўлиб келган. Ушбу жониворга эга бўлмаганларга гўё нуқсонли йигит сифатида қараганлар.

Хулоса. Ҳайвонлар орасида от, шубҳасиз, адабиётда ҳам, санъатда ҳам энг кўп учрайдиган жониворлар сирасига киради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, табиатда ташқи кўриниши жиҳатидан энг гўзал жонзот отдир. Балки шу сабабдандир инсоният биринчилардан бўлиб уларни кўлга ўргатган. Адабиётда ҳам, санъатда ҳам кўкларга кўтарилган, уларга атаб шеърлар, кўшиқлар бағишланган. Мазкур образни асотирлар, афсоналар, халқ кўшиқлари, эртақлар, дostonлардан ташқари мумтоз ва замонави шеърятда ҳам етарлича учратиш мумкин.

Дунё адабиёти нуқтаи назаридан от образи генезисига назар солиш, ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётида яратилган ушбу образнинг тадрижи, миллий жиҳатларини ёритиш, замонавий шеърятда кўп учрайдиган от тимсоли талқинига хос умуминсоний хусусиятларни, рамзий-тимсолий маъноларини очиб бериш, устувор поэтик аломатлар, образли структуралар ва типиклаштириш қонуниятларини аниқлаш, муҳим илмий-назарий хулосалар чиқариш бугунги кун адабиётшунослиги учун долзарб аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мусақулов А. Халқ кўшиқларида от инончининг бадиий ифодаси// Ўзбек тили ва адабиёти. – 1994. – № 4-5-6. – Б. 66-71.
2. Жўраев М. Ола от культининг ўзбек эпосидаги излари//Адабиёт кўзгуси. – 1996. №-2. – Б. 29-37.
3. Ҳайдаров Т. “Гўрўгли” ва мифология синкретизми “Гўрўглининг туғилиши” достони мисолида ном.дисс. –Т.:1993. – Б. 103-105.
4. Аишурова Ш.А. Инглизбабон Фарб адабиёти ва Ўзбек адабиётида анималистика жанри хусусиятлари (Э.Сетон-Томпсон ва Н.Норқобилов ижоди мисолида), Филол. фан. бўйича фалс. докт. дисс... – Т., 2020. – 158 б.
5. Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини. Филол. фан. номз. дисс... – Т., 2000.
6. Жумаева С. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Т., 1996. – 168 б.
7. Дostonлар. Кунтузмиш. Равшан. – Т.: Шарқ, 2011. – 366 б.
8. Ўзбек халқ дostonлари. Алтомиш. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 186 б.
9. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. Шеърлар. Дostonлар. Шоир ҳақида хотиралар. – Т.: Шарқ, 2007. – 286 б.
10. Усмон Азим. Согинч. Шеърлар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 200 б.

2030 | UZBEKISTAN RESEARCH ONLINE
uzjournals.edu.uz



Google
scholar



**"SCIENTIFIC REPORTS
OF BUKHARA STATE
UNIVERSITY"**

The journal was composed
in the Editorial and
Publishing Department of
Bukhara State University.

Editorial address:

Bukhara, 200117
Bukhara State University, main
building, 2nd floor, room 219.
Editorial and Publishing
Department.
[https://buxdu.uz/32-buxoro-
davlat-universiteti-ilmiy-
axboroti/131/131-buxoro-davlat-
universiteti-ilmiy-axboroti/](https://buxdu.uz/32-buxoro-davlat-universiteti-ilmiy-axboroti/131/131-buxoro-davlat-universiteti-ilmiy-axboroti/)
e-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz

Printing was permitted
31.08.2023 y. Paper format
60x84,1/8. Printed in express
printing method. Conditional
printing plate – 35,30.
Circulation 70. Order № 30.
Price is negotiable.
Published in the printing house
"BUKHARAHAMD PRINT" LLC
Address: Bukhara,
K.Murtazayev street, 344